



# ҲАЛҚ СҮЗИ

2023 йил – ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ●

2023 йил 25 апрель, № 80 (8423)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орхали сканер қилинг.



Ўзбекистон –  
келажаги  
буюк  
давлат

## ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ УЧУН КАТТА ИМКОНИЯТЛАР МАВЖУДЛИГИ ҚАЙД ЭТИЛДИ



Россия Федерацияси билан кенг кўламли худудлараро  
ҳамкорликни ривожлантириш доирасида  
Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев  
24 апрель куни Татаристон Республикаси раиси  
Рустам Миннихановни қабул қилди.

Учрашувда устувор инвестиция  
лойихаларини амалга ошириш ва  
маданий-гуманитар алмашинув-  
ларни янада кенгайтириш маса-  
лалари кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда самарали  
ҳамкорликда юқори натижалар-  
га эришилганни мамнуният билан  
қайд этилди. Ўзаро савдо ва ин-  
вестициялар ҳажми ортоқча.  
Тошкент вилоятида “Чирчик”  
кимё-индустрисал технопарки мұ-  
ваффакиятли фаолият юритмоқ-  
да, Россия делегациясининг  
мазкур ташрифи давомидан янги  
лойихага – Жиззах вилоятида  
технопарк барпо этишга старт  
берилди.

Бундан ташқари, нефть-кимё ва  
машинасозлик тармоқларида  
йирик кооперация лойихалари  
амалга оширилмоқда. Қозон фе-  
дерал университетининг Жиззах  
шаҳридаги филиали фаолияти  
кенгайтирилмоқда.

Учрашув чогида иқтисодийтнинг  
турли тармоқларида ишбильармон-  
лар ўртасидаги шерикликка оид  
истиблики лойихалар, мамлакати-  
мизнинг бошқа худудларидаги  
мавжудларини ривожлантириш,  
инновациялар, кичик бизнес ва ах-  
борот технологиялари соҳаларида  
хамда коммунал тармоқларни мо-  
дернизация қилиш бўйича ҳамкор-

лик дастурларини қабул қилиш ма-  
салалари мухкама қилинди.

Шу кунларда Тошкент шахри-  
да ўтаётган “ИННОПРОМ. Марка-  
зий Осиё” ҳалқаро саноат кўргаз-  
маси ишида Россия ишбильармон  
доиралари делегацияси таркиби-  
да Татаристоннинг компания ва  
корхоналари фаол иштирок этаёт-  
гани таъкидланди.

Учрашув якунида давлатимиз  
раҳбари “Йўл ҳаритаси” асосида  
кўшима дастур ва лойихалари ил-  
гари суриш юзасидан тизимли  
ишларни ташкил этиш муҳимлиги-  
ни қайд этди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Матбуот хизмати сурати.

## ЎЗБЕКИСТОНДАН ТАРАЛАЁТГАН ЗИЁ МИЛЛИОНАБ ИНСОНЛАР ҚАЛБИНИ НУРАФШОН ЭТМОҚДА

Ийд ал-ғитр – жамиятимизда инсонпарварлик, ўзаро ҳурмат, меҳ-  
рибат, саҳоват ва шукроналик түйгуларини кучайтириш, ёшларимизда  
юқсан фазилатларни камол топтириши мухим ўрин тутадиган шукухи  
аёлмидир.

### Муносабат

Рамазон ҳайти кунларидаги юртимизда амалга оширилган сабобли  
ишиларни, одамлардаги кўтариинки

руҳни кузатиб, бир яқдил хуласага  
келиш мумкин: ўзбекистон, ҳақиқатан  
хам, инсон қадри юксалетган

жаннатномонд юрт. Шукрлар бўлсис-  
ки, ўзбекистон ҳалқининг тақдирига  
буюқ давлатчилик тафаккурига эга  
йўлбоши наисбет этиди. Кейинги йиллар  
девомидан ўзбекистон ҳалқи ва  
давлати ҳаётидаги ижбий йўналиш-  
даги мисли кўрилмаган ишлар рўй  
бергани инкор этиб бўлмайдиган  
ҳақиқатидир. Бугун дунё ўзбекистон-  
нинг сиёсий жараёнлардаги фаол-

лигига, ҳалқ ва давлат бирлигининг  
мустаҳкамланишига, мамлакат  
эришилганнан салмоқли иқтисодий  
иотукларга гувоҳ бўлмоқда. Президент  
Шавкат Мирзиёев раҳбарлигидаги  
ислоҳотлар натижаси ўлароқ, мам-  
лакат юқсан чўққиларга кўтарилаёт-  
гани холда Марказий Осиёдаги етак-  
чилик ўрнини мустаҳкамламоқда.

Шу ўринда ўзбекистонимизда

сиёсий-иктисодий муваффакиятлар  
билин бир каторда ижтимоий соҳа-  
да, хусусан, диний-мавзаний қад-  
риятларни асрар-авайлаш бўйича  
Аллоҳга хуш келадиган ишлар ва  
глобал аҳамиятдаги лойихалар  
амалга оширилаётганини алоҳида  
таъкидлаш жоиз.

►3

Эътироф  
Султон РАЕВ,  
ТУРКСОЙ Бош котиби:

## ТОШКЕНТ – ДЎСТЛИК, ҚАЙНОҚ МЕХР РАМЗИДИР

– Ҳалқаро туркий маданият ташкилоти  
(ТУРКСОЙ) ҳалқаро ташкилотига аъзо  
мамлакатларини таникли рассомлари,  
тасвирий ва амалий санъат усталири  
Ўзбекистон пойтхатида ўтказилган  
Ҳалқаро тасвирий ва амалий санъат  
фестивалида илк бор қатнаши.  
Бу бизнинг дастлабки қадамларимиз  
ҳисобланади. Чунки Тошкент қадимдан  
туркий ҳалклар маданият маркази бўлиб  
келган ва шундай бўлиб қолади.

Тошкент – қўёшли шаҳар, дўстлик, қайнок меҳр  
рамзидир. Шунинг учун бу фестивалнинг айнан шу  
ерда ўтказилгани биз учун жуда мухим. Анжуманда  
туркий давлатлар, шунингдек, Венгриядан энг  
таникли ва машҳур 25 нафар рассомнинг 100 дан  
ортиқ асрарлари намойишга кўйилади. Муҳислар  
уларнинг ижодига катта қизиқши билан қарайди.  
Ўлайманки, бу жуда катта резонанс беради.

Биз хозир туркий дунё ижодларининг ўзаро  
ҳамкорликда ишлаш, ўзаро тажриба  
алмашшалирига имконият яратиш максадида Түрк  
бадиий академиясини ташкил этиш бўйича иш олиб  
боряпмиз. Бу, албатта, уста ва рассомларимизга  
кatta мотивация беради. Бу йил наисб бўлса  
Туркманистоннинг Ашҳодбод шаҳрида бадиий  
тасвир ва амалий санъат намояндадарининг  
бириччи биенналесини ўтказишни ният қилиб  
турибмиз.

2024 йил Туркманистонда буюқ туркман шоири  
Махтумкули йили деб, қадимий Анау шахри “Түрк  
дунёси маданият пойтхати” деб ёълон қилинган,  
биз бунга ҳам алоҳида тайёргарлик кўралмиз.  
Максадимиз – туркий дунё рассомлари маданияти  
интеграциясини амалга ошириш, улар асрарларини  
бошқа мамлакатларда ҳам намойиш ва тарғиб  
қилиб, бирдамлик ва ҳамкорликни  
ривожлантиришдан иборат.

Бу йил Ҳалқаро туркий маданият ташкилотига  
асос солинганининг 30 йиллиги нишонланади. Шу  
муносабат билан биз ана шу сана доирасида  
ЮНЕСКОнин Париждаги кароргоҳида туркий дунё  
маданияти кунларини ўтказамиз. Мен яқинда  
АҚШда, БМТнинг штаб-квартирасида бўлиб  
қайтдим, наисб этса, бу ерда ҳам шундай тадбир  
ўтказиш режалаштирилган.

Шу ўринда мазкур фестивалга Ўзбекистон  
Бадиий академияси томонидан катта тайёргарлик  
кўрилганини ўтказиб этмоқ жоиз. Маданият ва  
санъат усталирининг чиқишилари, ёш ижодкорлар  
тайёрларган асрарлар кўргазмаси, шу ернинг ўзиди  
устозлар томонидан ўтказилган маҳорат дарслари  
– барчаси ҳаяжон ва таассуротларга бой бўлди.

## РЕФЕРЕНДУМ 2023



## БОШ ҚОМУСИМИЗДА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги  
сенаторлар Наманган шаҳри, Наманган, янги Наманган,  
Давлатбод ва Ўйчи туманларидаги маҳаллалар, олий таълим  
муассасалари, касб-хунарга ўқитиши марказлари, тиббий  
муассасалари, ишлаб чиқариши корхоналари ҳамда аҳоли  
хонадонларида бўлиб, учрашувлар ўтказди.

Мулоқотларда асосий эътибор  
мамлакатимизда амалга оширилаёт-  
ган ислоҳотлар ва инсан таҳридаги  
Конституция лойихасининг мазмун-  
моҳиятига, тадбиркорлар, хотин-қиз-  
лар, ёшлар фаолигини ошириш,

иҳсизлини қисқартириш бораси-  
да қилинадиган сабъ-харакатлар,  
иҳтимолий химояга мухтоҳ оиласидар  
ҳолидан хабар олиши ва маҳаллий  
Кенгаш депутатлари фаолияти билан  
яқиндан танишиш қартилди.

Ҳусусан, Сенат Раиси вилоядага  
иҳсизлини қисқартириш бораси-  
да олий борилаётган ишлар билан  
яқиндан танишиш максадидаги  
мономарказ ҳамда Олаҳамак касб-  
хунарга ўқитиши марказидаги бўлиб,  
у ердаги шарт-шароитларни

кўздан кечирди ва касб-хунарга  
ўқитиляётган аҳоли вакиллари билан  
суннотлашади.

Мулоқотлар давомидаги шубъ  
марказларини замонавий ва анъанавий  
ва замонавий касбларга ўқитиши, иш  
хизматларни ўқитиши, инсонларни

## ЁШЛАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИ УЧУН ШАРОИЛЛАР, ФУҚАРОЛАР СОҒЛИГИНИ САҚЛАШГА ОИД ҚАФОЛАТЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси  
Спикери Н. Исломов ва бир гурӯҳ  
тиббий ходимлари, нуронийлар ҳамда  
маҳалла фаоллари билан учрашиб,  
янгиланаётган Конституциядан ўрин олган  
коидалар, уларнинг мазмун-моҳияти,  
ахамияти ҳақида кенг маълумот берди.  
Шунингдек, демократиянинг энг мухим  
шартларидан бирни ҳисобланган, давлат ва  
жамияти аҳамиятига молик масалаларни  
ҳал килишда ҳалқнинг бевосита  
иштирокини ифодалайдиган

референдумнинг аҳамияти ҳақида  
файлар ўтириди.

Мулоқотларда фуқаролар Бош  
қомусимизнинг янги таҳририда  
акс аҳолинг фикри, хоҳи-иродаси акс  
этгани, иҷтимоий амалга оширилаётган  
ислоҳотлар руҳи ифодаланганини  
эътироф этиб, янгиланаётган  
Конституция инсон қадрини  
улуғлайдиган, мамлакат ривожига хизмат  
қиладиган мухим хужжат бўлишини  
таъкидладилар.

►2

## ЯНГИЛНААЁТГАН КОНСТИТУЦИЯ ВА ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК

Ўзбекистон ҳалқининг онги мустақиллик йилларида  
тубдан ўзгарди. Марксистик мағкуранинг синфи  
кураш, пролетар диктатура ва социалистик давлат  
тушунчалари ўрнига иҷтимоий шериклик, демократик,  
хуқуқий, иҷтимоий ва дунёвий давлат тушунчалари  
кириб келди.

Янги таҳрирдаги Конституция мазкур тушунчаларни  
мустаҳкамлаб кўйиш орқали жамият оғигида  
иҷтимоий шерикликни ташкил этишига  
тадбирларни олмоқда. Янгилаётган Конституция  
батларда қарор топаётган янги воқеалини ҳам акс эти-  
тироф мөнадиёт.

Ўзбекистон давлати ўз зиммасига фуқарога нисбатан ҳам бутун жамиятга  
нисбатан ҳам улкан мажбуриятларни олмоқда. Янгилаётган Конституция  
нинг 13-моддасида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги,  
шашни, кадр-киммати ва бошқа ажralmas хуқуқлари  
олий қадринг хисобланиши, 14-моддасида esa давлат ўз фаолиятини инсон  
фаровонлиги ҳамда жамиятнинг барқарор ривож-  
ланишини ташминлаш максадида иҷтимоий  
адолат ва бирдамлик принциплари асосида  
амалга ошириши белgilab кўйилган.

►2

«Ҳалқ сўзи».





"Карвон кўрдим тяллари бўзлаб борар..."  
 Машхур ҳофизинг халқимизга ёд бўлиб кетган ушбу кўшиги янграганда тяллар карвони, қўнғироқлар садосини эшишиб, беихтиёр мозийга қайтганда, шу карвон ичда юргандек хис қиласиги ўзингизни. Бинобарин, мамлакатларни бир-бири билан савдо-сотик ва маҳсулот айрарбошлаш бўйича боғлаган Буюк Илак йўли бўйлаб, азалдан тяллар карвони ҳаракатланган. Бу жониворлар совукка, иссиқка, очликка ва сувсизликка чидамли бўлиб, оғир юларни манзилга етказишда энг муҳим транспорт воситаси хисобланган.

Тарихий манбаларга қараганда, аждодларимиз милоддан 2000 йил иллари тячилик билан шуғулана бошлаган. Шундан бўён беминнат юк ташувчи, гўшти ва сути, жуни билан қадрланадиган

тияллар ота-боболаримизнинг яқин ҳамрохи бўлиб келган...  
 Ҳар соҳада тараққиёт тўхтаб қолмаганидек, сувсизликка ўта чидамли эканлиги боис "саҳро кемалари" номини олган ушбу жониворлар ўринини бугун замонавий, тезорар ва учур транспорт воситалари эгаллади. Шу ўринда эндиликда тялларга эҳтиёж йўқи, деган савол тутилини ривожлантириша эҳтиёж катта. Чунки бу беозор ва чидамли жониворларнинг сути ва жуни шифобаҳш, гўшти мазали ҳамда териси мустажкамлиги билан чарм саноати учун ноёб ҳомашё хисобланади. Шунингдек, қадимдан ҳалқ табобатида ўта шифобаҳш эканлиги туфайли түя сутидан унумли фойдаланилади.

## Саломатлик ва туризм йўналишидаги бизнес лойиҳалари

Айни пайтда Коракалпогистон Республикаси, Навоий, Жиззах, Бухоро, Қашқадарё, Фарғона водийси вилоятларидан тячилик тармоғини жадал ривожлантираётган фермер хўжаликлари сони йилдан-йилга кўпайиб боромкда. Эътиборлиси, бугунги кунда тячилик қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи сифатида эътироф этилаётган. Натижада соҳа фаолиятини жаҳон андоzaлари даражасида такомилаштириш, ҳалқ табобати туризмини ривожлантириш бўйича кўплаб бизнес лойиҳалари ҳаётга кенг татбиқ қилингани.

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитаси ахборот хизмати маълумотига қараганда, бугунги кунда юртимизда 21,5 минг бosh бир ва икки ўркачли тяллар парвариши қилиб келинмоқда. Бу тялларнинг 50 фойзидан ортиги фермер хўжаликлари, қолгани ахоли хонадонлари бокилади.

Айни пайтда республикамизда 52 та тячилик фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, ушбу хўжаликлар тасарруфидан 10 минг бoshдан зиёд тяллар бор. Шунингдек, озука базасини яратиш максадида мазкур фермер хўжаликларига 1 минг 650 гектар ялов майдонлари ажратиб берилган.

— 2023 йили мамлакатимизда тячилик тармоғини ривожлантириш учун умумий киймати 10,8 миллиард сўмнига 12 та лойиҳа амалга оширилиши ва қарийб 650 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган, — дейди Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитаси бошқарма бошлиғи Матёкуб Матёкубов. — Янги лойиҳаларни амалга ошириш максадида тижорат банкларининг 4,5 миллиард сўм кредитлари жалб этилади. Бунинг самараси сифатида хорижий давлатлардан қарийб 1000 бosh, шундан 670 бosh насли тяя олиб келиншига эришилади.

Таъкидлаш ўринники, кейинги йилларда юртимизда ишга тушнирилган йирик лойиҳалар натижасида тячилик йўналишида 12 та фермер хўжалигида 100 бoshдан ортиқ, 36 та хўжалиқда 100 бoshгача ва 4 та хўжалиқда 50 бoshгача тяя парвариши йўлга кўйилди.

## Чўли биёбон «мўъжиза»си

Навоий вилоятининг Кизилқум саҳролари тяя парвариши учун энг кўпай ялов хисобланади. Бугунги кунда Кизилқум туманида тячилик

## Парахат оғанинг сұхбатида эшиғанларимиз

Корақалпогистонда Парахат оға Буханов ҳамда унинг турмуш ўртоғи

ди, кейин тозаланиб, титилади. Чивикда саваланади, шундан сўнг тайёр бўлган жундан кўрпа-тўшак, пайлок, тизза ва бел оғриқларидан химоялайдиган белбоғлар тайёрланади.

Корақалпогистонда тяя жунидан тайёрланган маҳсулотлар танани исик саклаши ва даволаш хусусиятига эгалиги билан ҳам қадрланади. Парахат оға ва Жумагул опанинг мақсадлари катта. Келажакда тяллар сонини янада кўпайтириб, тяя сути билан таъминлашга ихтисослаштирилган марказ очишdir...

## Тошлоқда экосайёхлик маркази

Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманида ташкил этилган "Водий тяялари" фермер хўжалигида

яқин истикболда мажмуада экотуризмни ривожлантириш масқадида ишлаб чиқилган янги бизнес-режага кўра, худуд бўйлаб экотуристик, агротуристик манзиллар ташкил этилади. Тяялар билан фотосессия, тяя сайдир килиш хизматлари йўлга кўйилади. Шунингдек, балик, ҳавзаси барпо этилиб, сайдхарларга балик овлаш, шу ернинг ўзида пишириб, танову қилиш имконияти яратилади. Қамиш лойсувиодан ката үйлар бунёд этилади ва источниклар мавлум муддат яшаши учун барча кулаликлар мухайё килинади.

## Гўшти мазали, жуни фойдали

Тяя гўштининг таъми мол гўштинига ўхшаб кетади. Аммо ундан бирор ширинрор, лаҳм гўшти кўп, ёғи эса камроқ бўлади. Кўп мик



## ШИФОСИ БЕҚИЁС, ДАРОМАДИ САЛМОКЛИ

тармоғи жадал ривожланниб, пархез тяя сути, шубат, бозори чакқон тяя жуни ҳамда тяя гўшти этишириш кенг йўлга кўйилди.

Шунингдек, туман худудида "Кизилқум чорва комплекси" МЧЖ ташкил этилиб, Қозоғистон Республикасидан 500 бosh, шу билан бирга, "Навоийазот" АЖда йўлга кўйилган замонавий комплексга 360 бosh затдор тяя олиб келинди.

Жиззах вилоятининг бир қатор туманларida ҳам сўнгги йиллarda тячилик тармоғини ривожланниб бораётгани эътиборга лойик, Мисол учун, Мирзачўл туманидаги кўп тармоқи "Camels Cattle" фермер хўжалиги тячилик соҳасида тиёлаштирилди.

— Тяя икки йилда бир маротаба болалайди. Яхши парваришилангандан сўнг беш йилда сутга киради, — дейди оила соҳиби. — Битта тяя киши мавсумида кунинг ўртча икки, ёзда тўрт-беш литргача сут беради. Ундан 35 йиллача сут согиб олиш мумкин. Тяя сутидан ҳалқ табобатида турли қасалликларни даволаша фойдаланилади. Тяя сутидан тайёрланган ичимликларни нафакат беморлар, балки соглом одалмада ҳам иммунитетни тиклаш учун ичиши мумкин. Бу ичимликлар чанқонни босиб, организмины тетикалаштириди, очикдан саклади.

Лойиҳа рехасига кўра, фермер хўжалиги қошида тяя сути билан даволашга ихтисослаштирилган 50 ўрнили тиёбиёт маркази куриб битказилди. Ўтган йили 30 бosh насли тяя сотиб олиниб, жониворлар сони 185 тага етказилди.

Тяяларнинг жунини, асосан, баҳор ойида киркмаси. Аёлларимиз тяя сутини йўлга кўзига сурниб, керакли буюмлар тайёрланшининг ҳам ҳадисини олишган. Бунинг учун жун кўлда яхшилаб ювилади, куритила-

100 бoshдан зиёд жониворлар парвариши қилинмоқда. Табиий иклим шароити куляй бўлганлиги учун тялларнинг бир қисми кўшини Ёзёвон туманида бокилади. Тяя гўштиниг асосий озуки базаси — янтоқ Фарғона водийси вилоятларининг чўл худудларидан йигиб келинади.

Фермер хўжалиги тасарруфидаги фармонийида тарбиянига оғиздир.

дорда "А", "С", "РР", "Е" ҳамда "В" гурӯх витаминлари, шу билан бирга, калий, темир ва фосфор каби минераллар бор. Тяя гўштида ёғ кватванида умуман бўймагани сабабли пархез махсулот хисобланади.

Ўз навбатида, тяя гўштининг озукалиги юқори бўлиб, барча ёшдағи инсонларга тавсия килинади. Калорияси — 160,2 ккал.

- "Тяя" сўзи арабчадан таржима килинганда, "гўзаллик" маъносини билдиради.
- Тяя ўртача 35 – 40 йил умр кўради.
- Сув бор жойни 50 – 60 километр узоқликдан ҳис этади.
- Бир кечакундузда 30 – 40 килограмм оқиёт ейди.
- Тяя сути сигирнидан икки ҳисса фойдалироқ.
- Сути таркибида кальций, магний, темир, фосфор, "С" ва "D" витаминлари, фойдали минераллар ҳамда микроэлементлар кўп.

"Сарбон шифо" согломлаштириш ва мажмуаси яхши мажмаси яхшида. Фарғона вилояти ҳоқимлиги ташаббуси билан Экосайёхлик марказига айлантирилди. Шу тарика тяя бу маскан вилоятининг туризм харитасига киртилиб, мамлакатимизнинг барча ҳудуди тяяридан саклайди.

— Согломлаштириш мажмуаси ташриф буорувчилар замонавий тиёбиёт ва ҳалқ табобати анъаналари ўзаро уйғунлаштирилган ҳолда тяя сути ёрдамида даволанмоқда, — дейди мажмуа раҳбари, Ҳалқ табобати академияси аъзоси Одилжон Ҳомидов. — Бу ерда жигар, буйрак, ошқозоничак, ўти, копи, спориаз каби турли хасталикларни самарали даволаш йўлга кўйилади. Мажмуамизга юртимизнинг барча вилоятларни таъминлаштиришга дойр қўшимча чора-тадбирлар, қўшини давлатлар, шунингдек, АҚШ, Туркия ва Россиядан ҳам беморлар келиб даволанишиади.

Замонавий мезонлар асосида фаолият кўрсатишмизда давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 12 октабрда "Ўзбекистон Республикасида ҳалқ табобати соҳасини тартиба солиш чора-тадбирлари тўғрисида", 2020 йил 10 апрель кунги "Ўзбекистон Республикасида ҳалқ табобатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"га карорлари мухим дастuriламал бўлмоқда.

Кишилкот хўжалигининг тармоғи сифатида тячилик мамлакатимиз иктисолиди, хусусан, қишилкот хўжалиги ривожини таъминлашда ниҳоятда истиқболидир. Қолаверса, оилавий тадбиркорлик, туризм, ҳалқ табобати соҳасини янги мезонлар асосида юксалтиришда мухим аҳамиятга эга. Шу боис айни йўналишида олиб борилаётган изчил сайд-ҳаракатлар юртимизда тячилик тармоғининг эртанги куни истиқболли эканлигидан далолат беради.

қишилкот хўжалири ўтасида жуда кадимдан маълум.

Айниқса, Саудия Арабистони, Миср, Бирлашган Араб Амирликлари, Марказий Осиёда тяя суншида қадрланиб келинган. Араб халқлари тяя сутини деярли ҳар куни истемол килишга одатлангани бехиз эмас.

## Озиқ-овқат, косметика ва тибиётда қадрланади

Интернет манбаларидан ёзишича, Швейцария, Австралияда тяя сутидан тансик, шўр таъми шоколад сингари кўллаб егуликлар тайёрланади.

Фарғона жамоат саломатлиги тибиёт институтининг Халқ табобати ва фармакология кафедраси катта ўқитувчиси Муҳаммаджалол Саримковонинг кайи этишича, тяя сути таркибида 4,4 фоиз оқисил, хусусан, 3,2 фоиз казеин ва колган оқисилларни альбумин, глобулин ташкил қилади. Ўз навбатида, бу сут таркибида лактоза 3 – 6 фоиз, ош тузининг мидори 14 фоиздан иборат. Тяя сути темир, кальций ва фосфор каби органик минералларни турли витаминаларда таъминлашади. Унинг таркибида куп микродарма минераллар ва витаминалардан ташқари маҳсус оқисил таначалар — антителлар бўлиб, улар онкологик касалликлар, ОИТС, Альцгеймер касаллиги ва гепатитга қарши курашида ўта фойдалидир.

Шу тарика тибиёт илми мутахассислари кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотларга асосланади, тяя сути фойдали эканлигидан эътироф этилди. Мисол учун, қўшини Козогистонда тадқиқотлар хуласасига кўра, тяя сути маҳсулотлари ва ферметланган сут (шубат) ошқозоничак касалликлари дарси сифатига кўлланиши мумкин. Бу тяя сутида микробларга қарши ўнлаб фойдалилар (лактоферин, иммуноглобулин ва хоказо) борлиги билан изоҳланади.

Тяя сутини инсон саломатлиги учун фойдали жиҳатлари тибиётда аллакачон ислотланган, — дейди Андикон шарҳидаги 8-ойларий поликлиника шифокори Жамолиддин Каримов. — Энг аввало, у камқонликини даволашда яхши самара беради. Чунки тяя сути таркибида аминокислоталар, кўп микродарда темир моддаси мавжуд. Унинг фосфор каби кальцийга бойлиги сутларни мустажкамлашда мухим аҳамиятга эга. Шунингдек, тяя сутида "С", "D" гурӯх витаминлари, натрий ва калий тузлари кўп учрайди. Онкологик ва лейкемия касаллигига тяя сутиниң фойдаси катта. Амалиётда сил, ошқозоничак тизими, ошқозон ости бези, жигар касалликлари ҳамда турли турли даволашдаги самарасига кўп гувоҳ бўлганимиз.

Ўзбекистон шарҳидаги тяя сутини жигар циррозини даволашда ҳам кўлланилади. Сабаби, у жигар ялиглинишни даволовчи хусусиятга эга. Шу билан бирга, қанди диабет, тери касалликлари ҳам шифобахши хисобланади.

Эътиборлиси, айни пайтда тяя сутидан қанди диабет ва юрак-кон томир касалликларида профилактика чора сифатига фой